Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2015-yil 2-iyun, seshanba, № 68 (3573)

Ўз меҳнати, ақл-заковати ва салоҳияти билан ўзини ўзи боқадиган, ўзини ҳимоя қиладиган, келажагини ўз қўли билан қуришга қодир бўлган халқни жаҳон аҳли эътироф этади.

Ислом КАРИМОВ

1 ИЮН — ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ

ҲАР БИР БОЛА МЕҲР ВА ЭЪТИБОР ОҒУШИДА

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида болаларга меҳр ва ғамхўрлик кўрсатишга доир эзгу саъй-ҳаракатлар соғлом ва мустақил тафаккурли авлодни вояга етказишда асосий омил бўлмоқда.

"Туркистон" саройида 1 июн — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб ўтказилган тадбирда бу жиҳатлар яна бир карра ўзининг яққол ифодасини топди. "Sen yolg'iz emassan" Республика жамоатчилик болалар жамғармаси томонидан ташкил этилган тадбирга юртимизнинг турли ҳудудларидаги "Меҳрибонлик" уйлари, махсус мактаб-интернатларнинг тарбияланувчилари таклиф этилди.

"Sen yolg'iz emassan" Республика жамоатчилик болалар жамғармаси Васийлик кенгаши раиси Л.Каримова-Тиллаева мамлакатимизда ёш авлодни ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, уларга пухта билим бериш, касб-ҳунарга ўргатишга қаратилаётган юксак эътибор туфайли ўғил-қизлар ҳеч кимдан кам бўлмай камол топаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда ёш авлод манфаатларини ҳимоялашга доир ибратли ишлар болаларнинг пухта билим олиши, уларнинг истеъдоди ва ижодий салоҳиятини тўғри шакллантириш, ўз вақтида юзага чиқариш, ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашда яққол намоён бўлмоқда. Бу борада турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг ижтимоий ҳамкорлик асосида фаолият кўрсатаётгани ўғил-қизларни ҳуқуқий ҳимоялаш, уларнинг жамиятда ўз ўрнини топишига яқиндан кўмаклашиш имконини бермоқда.

Ёлқин ШАМСИДДИНОВ (ЎзА) олган сурат.

"Sen yolg'iz emassan" Республика жамоатчилик болалар жамғармаси тегишли ташкилотлар билан биргаликда мураккаб тақдирли болаларга ҳуқуқий, ижтимоий, тиббий, маънавий-психологик кўмак кўрсатиш юзасидан тизимли фаолият олиб бормоқда. Ўтган йиллар мобайнида "Меҳрибонлик" уйларини капитал реконструкция қилиш, таъмирлаш, уларнинг моддий-техник базасини янада яхшилаш йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Ўқувчиларнинг таълимдан ташқари бўш вақтини унумли ўтказиш мақсадида ташкил этилган фан, спорт, бадиий ижодиёт тўгаракларини ўғил-қизларнинг билимларини бойитиб, ўқишга бўлган қизиқиши ва иштиёқини янада орттирмоқда. Турли соғломлаштириш акциялари, ижтимоий лойиҳалар ўғил-қизлар саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

— "Меҳрибонлик" уйимизда 3 ёшдан 16 ёшгача бўлган болалар тарбияланади, — дейди Бўка туманидаги 15-"Меҳрибонлик" уйи директори Абдурасул Акмалов. — Болаларнинг ҳар бири қизиқиши ва интилишига қараб ўқув, бадиий ижодиёт, спорт тўгаракларига қамраб олингани ўқувчиларимизнинг турли олимпиадалар, турнирлар, ижодий танловларда муваффақият қозонишида асосий омил бўлмоқда.

Ўқув йили давомида аъло натижаларга эришган, турли спорт мусобақалари, ижодий танловларда совриндор бўлган болалар диплом ва совғалар билан тақдирланди.

Болалик, беғуборлик байрамига айланган ушбу тадбирда "Меҳрибонлик" уйлари ва махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари томонидан тайёрланган концерт намойиш этилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

ЭЪТИРОФ

Мамлакатимизда хорижий инвестициялар учун яратилган қулайликлар кўплаб чет эл компанияларининг икки томонлама манфаатли битимлар асосида фаолият олиб бориши учун қулай имконият яратди. Фарғона шаҳрида фаолият кўрсатаётган Жанубий Кореянинг "Daewoo International" корпорациясига қарашли "Daewoo Textile Fergana" компанияси шундай корхоналардан биридир. Ҳозирги кунда компания томонидан жаҳон бозорида харидоргир 100 фоиз пахта толасидан тайёрланган калава ип ва мато ишлаб чиқарилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОНДА БИЗНЕС — ҚУЛАЙ ВА ФОЙДАЛИ

— Ўтган йили 94 631 895 АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот сотувга чиқарилди, — дейди компания бош директори Ким Ил У. — Ўзбекистон ва Корея Республикалари ўртасида тузилган битимга асосан ишлаб чиқаришни технологик қайта жиҳозлаш, энг замонавий дастгоҳлар, эҳтиёт қисмларни сотиб олиш учун бир ярим миллион доллардан кўпроқ маблағ сарфладик. Юқори сифатли хомашё, ходимларнинг меҳнатсевар ва ҳаллолиги туфайли компания даромади мунтазам ошиб бормоқда. Давлатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг кун сайин ривож топаётганида мамлакатларимиз президентларининг саъй-ҳаракатлари муҳим ўринга эга. Айниқса, 27-29 май кунлари Президент Ислом Каримовнинг Корея Республикасига қилган давлат ташрифи дўстона алоқаларимизни янада мустаҳкамлади.

(Давоми 2-саҳифада).

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ – 2015

РЕГБИЧИЛАРИМИЗ ҒАЛАБАСИ

Тошкент вилоятидаги "Дўстлик" стадионида регби бўйича Осиё чемпионати III дивизион баҳслари якунланди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, мамлакатимиз Регби федерацияси ва Осиё регби уюшмаси (ARFU) ҳамкорлигида ташкил этилган нуфузли мусобақада Ўзбекистон ва Ҳиндистон терма жамоалари ўзаро баҳслашди.

Осиё регби уюшмаси Ижроия қўмитасининг йиғилиши ҳам бўлиб ўтди. Йиғилишда Осиё қитъасида мазкур спорт турини янада ривожлантириш масалалари ва истиқболлари муҳокама қилинди. Халқаро регби кенгаши мутасаддилари иштирокида матбуот анжумани ўтказилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси раиси, Ўзбекистон регби федерацияси раиси С.Сафоев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда спортни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсонлар қилиб вояга етказиш, уларнинг истеъдод ва салоҳиятини юзага чиқариш билан бирга юртимизда қатор спорт турлари, жумладан, регбини ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

— Юртингизнинг бой тарихи, меҳмондўст халқингиз, мустақиллик йилларида қўлга киритаётган ютуқларингиз ҳақида кўп эшитганман, — дейди Халқаро регби кенгаши президенти Бернард Лапассет. — Мамлакатингизда барча соҳалар қатори спорт ҳам жадал тараққий этаётгани, болалар спортини ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани, ёшларнинг барча қатлами — умумтаълим мактаблари ўқувчиларидан олий ўқув юртлари талабаларигача ўзига қамраган ноёб тизимнинг йўлга қўйилгани таҳсинга лойиқ.

Анжуманда мамлакатимизда регбини янада оммалаштириш, спортчиларимизнинг халқаро майдонлардаги нуфузли мусобақаларда муносиб иштирок этишини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ва келгуси режалар хусусида батафсил маълумот берилди.

Регби бўйича Осиё чемпионати III дивизион баҳсларининг иккинчи учрашувида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари ҳиндистонлик рақибларини 32:15 ҳисобида мағлубиятга учратди ва Осиё чемпионатининг II дивизион баҳсларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
ЎзА мухбири

"УМИД НИҲОЛЛАРИ — 2015"

Мамлакатимизда "Умид ниҳоллари — 2015" спорт ўйинларининг финал босқичи ёшлик ва спорт байрами сифатида катта шодиёналар билан ўтказилди

ГЎЗАЛЛИК, МАҲОРАТ ВА ШИЖОАТ НАМОЙИШИ

Тошкент вилояти. Чирчиқ олимпия захиралари коллежи ҳар қачонгидан гавжум. "Умид ниҳоллари — 2015" спорт мусобақаларининг вилоят финал босқичи ғолибларини тақдирлаш мақсадида уюштирилган маросим ёшлик ва шижоат байрамига айланиб кетди.

Президентимиз раҳнамолигида ёш авлоднинг жисмонан соғлом, маънан етук инсонлар бўлиб улғайиши, спорт билан мунтазам шуғулланиши, ўз истеъдод ва салоҳиятини юзага чиқариши учун барча шароит яратиб берилмоқда.

Мамлакатимиздаги таълим муассасалари ўқувчилари ва талабалари ўртасида анъанавий ўтказиб келинаётган уч босқичли спорт ўйинларининг бирламчи бўғини бўлган "Умид ниҳоллари" мусобақаси ёш авлодни спортга кенг жалб этиш, уларни йирик халқаро мусобақаларга тайёрлашда муҳим омил бўлмоқда.

Болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор самарасида Тошкент вилоятида кўплаб спорт иншоотлари, сув ҳавзалари ва стадионлар барпо этилди. Ўтган йиллар давомида вилоятда 150 дан зиёд спорт иншооти қурилди ва реконструкция қилинди. 2014 йилда олтита мактабнинг спорт зали, учта мусиқа ва санъат мактаби, битта ёпиқ сузиш ҳавзаси янгидан қурилиб, замонавий анжомлар билан таъминланди.

Давлатимиз томонидан яратиб берилаётган замонавий шароитларда маҳоратини ошираётган ёш спортчиларимиз турли мусобақаларда муваффақиятларга эришаётир.

Албатта, ёшларнинг бундай натижаларга эришишида мураббийларнинг хизмати катта. Айни пайтда вилоятда 2 минг 400 дан зиёд юқори малакали мутахассис 86 минг ўғил-қизга спортнинг қирққа яқин тури бўйича сабоқ бермоқда.

(Давоми 4-саҳифада).

БАХТИЁР БОЛАЛАР МАМЛАКАТИ

ГЎДАК ЖИЛМАЙСА, ДУНЁ ЯШНАЙДИ

Пойтахтимизнинг Бош майдонида жойлашган Мустақиллик ва Эзгулик монументи томон борарканман, юртимизда она ва бола шаъни нақадар улуғланаётганини ҳис қилиб, оддий бир она сифатида қалбим фахр-ифтихорга, ғурурга тўлади.

Бағрига дилбандини босиб турган аёл сиймосига боқиб ўйлайман: боласига меҳр билан боқиб турган онадан гўзалроқ ким бор дунёда?! Айтишларича, аёл боласига муҳаббат билан боққан дамда қўқдан ерга меҳр нури ёғиларкан. Алла айтганида дунё сехрга тўларкан. Бола эркаланиб, яйраб, қийқириб кулганида олам яшнаб-яшариб кетаркан.

"Бахтиёр она» сиймосига қараганим сайин кўнгилда олис қишлоқнинг чанг кўчаларида қолган мунаввар туйғулар астасекин бўй кўрсатади. Гўё азиз бир сиймо: кўзлари, юзлари, бутун вужудидан меҳр ёғилиб турган она қўлларини чўзганча мен томон келади. Жоним бу туйғудан ҳаловат топади. Ям-яшил майсаларнинг бошини силаётган шабада ҳазин бир навога қўшилиб руҳимни аллалайди. Шу лаҳзада ёнгинамда туриб, она-бола сиймосига ҳайрат билан тикилаётган қизалоқнинг "Бу ким?» деган сўровидан ўзимга келаман.

— Бу она, — дейди ўғилчасини бағрига босиб турган кўҳликкина келинчак. — Қара, мен укангни эркалаганимдек, у ҳам боласини қучоқлаб ўйнатиб ўтирибди.

Қизалоқ яна бижирлаб савол беради:

— Сиз мен ва укамнинг онасисиз. У кимнинг онаси.

— У — миллатнинг онаси, — келинчакнинг овози титраб кетади. Ҳеч нарсага тушунмай қошларини чимириб турган қизалоғи томон эгилиб. — Бу она ҳаммамизнинг онамиз. Барчамизни ана шундай бир она дунёга келтирган, ўстириб, катта қилган.

Қизалоқ онасининг гапларини англагандай ширин жилмайиб:

— Демак, бу менинг катта бувим, — дейди гўдакларча самимият ва ғурур билан.

Қуёш нурлари мармар пиллапояларга тушиб жилваланади. Гўё миллатнинг иқболи ва истиқболи бўлган ана шу қизалоққа қўшилиб қуёш ҳам, дунё ҳам жилмаяётганга ўхшайди...

(Давоми 4-саҳифада).

2015-yil 2-iyun, seshanba, № 68 (3573), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

КАСАБА УЮШМАЛАРИДА ҳисобот-сайловлар йили

ЮҚОРИ САВИЯДА, ОШКОРАЛИК РУҲИДА

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Сергели туман кенгашининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.

— Касаба уюшма ташкилотларининг асосий вазифаси ўз аъзоларининг меҳнат, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилишдан иборат, — деди туман кенгаши раиси Ш.Шамсиева. — Кенгашимиз тасарруфида 213 та бошланғич ташкилот фаолият кўрсатмоқда. Аъзолар сони эса 4 минг 126 нафарни ташкил этади. Ўтган даврда бошланғич ташкилотларни ташаббускор, билимли ва малакали кадрлар билан мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди. Жамоа шартномалари бандларининг бажарилиши қатъий назоратга олинган. Тармоқ ходимлари, меҳнат фахрийларини ижтимоий ҳимоялаш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга 2013 йил 7 млн. 136 минг сўм, 2014 йилда эса 9 млн. 451 минг сўм маблағ йўналтирилди. Меҳнат муҳофазаси, тармоқ ходимларини оммавий спортга жалб этиш, маънавиятини юксалтириш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилди.

"Равон нур Осиё сервис" масъулияти чекланган жамияти касабақўм раиси Ирина Степина, "Тошшаҳарнур" давлат унитар корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси ўринбосари Тоҳиржон Раҳмонов, "Баракат Альфа" МЧЖ касаба уюшма қўмитаси раиси Анастасия Турсунқулова, "Тераказор" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси Файзулла Неъматов ва бошқалар музокараларда сўзга чиқиб, фаолиятни янада яхшилаш борасидаги таклиф ва мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

Конференцияда тармоқ касаба уюшмаси туман кенгаши, тафтиш комиссияси аъзолари ва Тошкент шаҳар конференциясига делегатлар сайланди. Шоира Шамсиева тармоқ касаба уюшмаси туман кенгаши раиси этиб қайта сайланди.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ishonch» мухбири

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Бахмал туман кенгашининг IV конференциясида тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашининг вилоят бўйича масъул ташкилотчиси, шаҳар ва туманлар кенгашлари раислари иштирок этишди.

Туман кенгаши раиси Норқул Очилов 98 та бошланғич ташкилотга бирлашган 8547 нафар аъзонинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва интеллектуал манфаатларини ҳимоялаш борасида амалга оширилган ишлар ҳақида ҳисобот берди. Жумладан, эҳтиёжманд ходимларга кўмак кўрсатиш, спорт ишлари, оналик ва болаликни муҳофазалаш сингари долзарб юмушлар доимий эътиборда бўлди. 222 нафар ишловчи ва уларнинг оила аъзолари турли сиҳатгоҳларга йўлланма билан таъминланди. Биргина ўтган йили 137 та кам таъминланган оилага 20 млн. 435 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Олти нафар ходимга касаба уюшма маблағи ҳисобидан уй-рўзғор буюмлари бепул берилди. Ўзгалар парваришига муҳтож 46 нафар ўқувчи ўқув қуроллари билан таъминланди.

Туризмни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Юздан зиёд ходим Бухоро, Тошкент, Самарқанд, Хива бўйлаб саёҳатда бўлиб қайтишди.

Ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини спорт-соғломлаштириш ишларига жалб этиш борасида самарали натижаларга эришиляпти.

Тафтиш комиссияси раиси Худойберди Ўринбоев ҳам ҳисобот даври бўйича маъруза қилди.

Музокарада сўзга чиққанлар конференция юқори савияда, ошкоралик руҳида ўтаётганлигини таъкидлашди. Шунингдек, келгусида бошланғич ташкилотларнинг фаолиятини янада кучайтириш ва такомиллаштиришга мўлжалланган устувор вазифалар белгилаб олинди.

Норқул Очилов яна тармоқ касаба уюшмаси туман кенгашига раис этиб сайланди.

Абдуманнап АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Избоскан туман кенгашининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.

Йиғилишда туман кенгаши раиси А.Аҳмадалиев ҳамда тафтиш комиссияси раиси Л.Мамажонова ҳисобот беришди. Касаба уюшма фаоллари М.Абдуқаюмов, Ш.Бозорова, Д.Асранова, Р.Холиқов, О.Ибрагимов музокарада сўзга чиқишди. Конференция якунида туман кенгашининг фаолияти қониқарли деб топилди ва тафтиш комиссияси ҳисоботи тасдиқланди.

Унда тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Андижон вилояти бўйича масъул ташкилотчиси З.Абдуллаев, касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси ўринбосари Қ.Ризаев иштирок этди.

Барнохон ҲАМДАМОВА

Ўзбекистон Фанлар академиясида касаба уюшма ташкилотининг V ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.

Уни Ўз ФА президенти, академик Шавкат Солиҳов очиб, касаба уюшмалари томонидан меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимояси борасида амалга оширилаётган ишлар, белгилаб олинган устувор йўналишлар, жамоа шартномаларига киритилган бандларга алоҳида тўхталиб ўтди.

Шундан сўнг Фанлар академияси бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси раиси Шерзод Жўраевнинг ҳисоботи тингланди.

Бирлашган касаба уюшма қўмитаси томонидан ўтган йиллар мобайнида қатор ишлар амалга оширилди. Илмий тадқиқот институтларида байрам кечалари уюштириш, фахрийлар ҳолидан хабар олиш, ходимлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш, меҳнатни муҳофаза қилиш, маънавий-маърифий ва спорт тадбирлари ташкил этиш, кам таъминланган ходимларга моддий ёрдам кўрсатиш, ёш олимларни рағбатлантириш кабилар шулар жумласидан.

Конференция давомида Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ва Ўзбекистон Фанлар академияси бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси томонидан илм-фан соҳасида "Устоз-шогирд" тизими бўйича юқори натижаларга эришаётган ҳамда касаба уюшмаси фаолиятида фаол қатнашаётган бир гуруҳ олим ва ташкилотчиларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

Шерзод Жўраев келгуси 5 йилга ЎзФА Бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси раиси лавозимига қайта сайланди.

Назрулла МАҲАМОВ,
«Ishonch» мухбири

ЎЗБЕКИСТОНДА БИЗНЕС — ҚУЛАЙ ВА ФОЙДАЛИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Ушбу ташриф жараёнини қизиқиш билан кузатиб бордим. Президентлар томонидан таъкидланган фикрлар, имзоланган икки томонлама манфаатли битим ва шартномалар корхонамиз фаолиятида ҳам ижобий акс этиши шубҳасиз. Корея Республикаси Президенти таъкидлаганидек, Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорликка эришилган, қулай инвестиция муҳити яратилган. Глобал иқтисодиётда мураккаб вазият юзага келганига қарамасдан, мамлакат иқтисоди жадал суръатлар билан ўсиб бормоқда. Бунга юртингизда хорижий инвестиция, ишбилармонларнинг ҳуқуқий ҳимояси юқори даражада таъминланганлиги, ушбу масалага ҳукумат даражасида юксак эътибор берилаётгани сабаб бўлмоқда. Корхонамиз тажрибасидан келиб чиқиб, Ўзбекистонда бизнес қилиш қулай ва даромадли эканини алоҳида эътироф этмоқчиман. Кўплаб хорижий компанияларнинг бу ерга икки томонлама манфаатли лойиҳаларни амалга ошириш учун интилаётгани ҳам шундан. Бу борада кореялик ишбилармонлар, айниқса, фаоллик кўрсатишмоқда. Ўзбекларда ажойиб бир мақол бор. "Табиб табиб эмас, бошидан ўтказган табиб" дейди халқингиз. Маълумки, ўзбек халқи давлат мустақиллигига эришиш йўлида мураккаб синовлардан ўтган, қурбонлар берган. Истиқлол йўлида қурбон бўлганлар хотирасига бағишлаб Тошкентда "Шаҳидлар хиёбони" мажмуаси бунёд этилган. 31 август — Қатағон қурбонларини ёд этиш куни сифатида кенг нишонланади. Худди шу каби анъана бизнинг мамлакатимизда ҳам мавжуд. Корея Республикаси мустақиллиги йўлида жон фидо қилган қарийб 170 минг одам хоки қўйилган Миллий ёдгорлик мажмуи ташкил қилинган. Президент Ислом Каримовнинг Корея Республикасига ташрифи доирасида ушбу мажмуани зиёрат қилгани мени, айниқса, тўлқинлантириб юборди.

Мамлакатлар ўртасидаги келишувлар асосида "Daewoo Textile Fergana" фаолиятини кенгайтириб бормоқда. Жумладан, ўтган йиллар мобайнида Фарғона шаҳрида иккита, шунингдек, Тошлоқ, Қўштепа туманларида қўшимча фабрикалар ташкил қилинди. Қувонарлиси, янги иш ўринлари касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаяпти.

Ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш, уларнинг кўнгилли дам олиши, муносиб даромад кўриши устидан назоратни корхона касаба уюшма қўмитаси олиб боради.

— Корхона раҳбарияти билан ижтимоий шериклик тамойиллари асосида ҳамкорлик қилиб келамиз, — дейди касаба уюшма қўмитаси раиси Гулнора Юсупова. — Биргина 2014 йили давлатимиз раҳбарининг Фармонига асосан ҳамда компаниянинг ички имкониятларидан келиб чиқиб, ходимларнинг иш ҳақини 30 фоизга оширдик. Филиалларимизда ишловчилар махсус кийим-бош, пойабзал, шахсий гигиена воситалари билан тўлиқ таъминланган. Уларнинг ишлаш ва дам олиши учун замонавий шароитлар яратилган. Жумладан, ювиниш ва гигиена хоналари, тиббиёт бўлими, ошхона улар хизматида. Юртимизда ишлаб чиқарилган 25 та замонавий автобус барча сменалардаги ходимларни ташийди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож ходимлар, жумладан, фарзанди шартнома асосида таҳсил олаётган, кўп болали, ногирон бола тарбиялаётган ишловчиларга касаба уюшмаси ва маъмурият томонидан доимий моддий ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

"Daewoo Textile Fergana" юртимиздаги ижтимоий ҳаётда ҳам фаол иштирок этяпти. Жумладан, ўтган йили кореялик тиббиёт ходимлари томонидан Фарғона вилоят кўз касалликлари диспансерида ўтказилган "Оламни ёрқинроқ кўринг" акцияси доирасида корхона ходимлари кўнгилли таржимонлар сифатида иштирок этди. Акция доирасида хорижлик врачлар 250 дан ортиқ кўз касалликлари билан оғриган беморларни кўрикдан ўтказди. 84 нафар беморда жарроҳлик операцияси амалга оширилди.

Улуғбек ИБОДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

ФАРМОН ВА ИЖРО

ИСТИҚБОЛЛИ ДАСТУР АСОСИДА

Мамлакатимиз иқтисодиёти илғор технологиялар асосида жадал ривожланиб, илмий-техник ва ишлаб чиқариш салоҳияти тобора юксалиб бораётир. Айниқса, кимё, иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, инфратузилма ва транспорт-коммуникация соҳаларини янада кучайтиришга йўналтирилган кенг кўламли инвестициявий лойиҳалар амалга оширилмоқда. Натижада, янги иш ўринлари яратилиб, аҳоли даромади ортаяпти. Узоқ муддатли тараққиёт стратегиясининг ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани дунёнинг кам сонли давлатлари қаторида юртимизда ялпи ички маҳсулот, ишлаб чиқаришнинг юқори ўсиш суръатларини таъминлаш имконини бермоқда.

Жумладан, 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларига кўра, ялпи ички маҳсулот 8,1 фоиз, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 8,3 фоиз, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши 6,9 фоиз, капитал қурилиш 10,9 фоиз, чакана савдо айланмаси ҳажми 14,3 фоизга ўсди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг қарийб 70 фоизини юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр маҳсулотлар ташкил этди.

Президентимизнинг 2015 йил 4 мартдаги "2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги Фармони мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлаб чиқаришни янгилаш ва инновация технологияларини жорий этиш бўйича узлуксиз жараённинг мантиқий давоми бўлди.

Дастурда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг энергия сарфи, моддий ва меҳнат харажатларини камайтириш бўйича мавжуд захиралардан янада тўлиқ фойдаланиш, шунингдек, жаҳон бозорида талаб барқарор бўлган рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ва ярим фабрикатлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш назарда тутилган. Етакчи чет эл компаниялари билан биргаликда қўшма корхоналар ташкил этиш орқали хорижий инвесторлар жалб қилинади.

Хусусан, кимё саноатида табиий газ ва газ конденсатини қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматга эга маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва турини кенгайтириш режалаштирилмоқда. Кимё саноатида ишлаб чиқариш ва экспортни мураккаб минерал ўғитлар, полимерлар, синтетик каучук, метанол ва кенг турдаги маиший-кимё товарлари ишлаб чиқариш бўйича замонавий технологияларни жорий этиш орқали диверсификация қилинади.

Умуман, геология, ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, нефт-кимё ва металлургия саноатида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича 124 та инвестиция лойиҳаси, шунингдек, хорижий сармоядорларни жалб этган ҳолда 48 та истиқболли инвестиция лойиҳасини амалга ошириш кўзланган.

Масалан, кимё саноатида "Самарқандкимё" акциядорлик жамиятида мураккаб минерал ўғитлар (NPK) ва калий сульфати, "Навоий азот" акциядорлик жамиятида поливинилхлорид ва метанол ҳамда бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш кўзда тутилган.

Айни пайтда "Аммафос-Максам" акциядорлик жамиятида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича бир қатор лойиҳаларни амалга ошириш ишлари қизғин тус олган.

Президентимиз Фармонида жаҳондаги етакчи компанияларнинг лицензия ва патентлари асосида фармацевтика саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ва турини кенгайтириш, асосан маҳаллий маҳсулотлар ҳамда хомашё асосида тиббиёт препаратлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш режалаштирилган.

"Ўзфармсаноат" давлат акциядорлик концерни бу борада 22 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш ниятида. Концерн тасарруфидаги бир қатор корхоналарда бир марта ишлатиладиган тиббиёт буюмлари учун металл ниналар, инъекция эритмалари, қуритилган ҳолда қадоқланган дори воситалари, таблеткалар, капсула ва саше-пакетчалар учун бўш ампулалар, канал найчалар, инфузия эритмалари, шунингдек, "Radiks" хусусий илмий-ишлаб чиқариш корхонасида плазма ўрнини босадиган эритмалар, дори воситаларини тайёрлаш учун ўсимлик субстанциялари ва бошқа дорилар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Шу билан бирга, дастур доирасида замонавий технологик талабларга жавоб бермайдиган эскирган ускуналар ва қувватларни фойдаланишдан чиқариш, уларни замонавий ҳамда самарали ишлайдиганлари билан алмаштиришга қаратилган қарийб 300 та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган.

Мухтасар айтганда, Президентимизнинг мазкур Фармонида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича умумий қиймати 40 миллиард 809 миллион долларлик 846 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш мўлжалланган.

2015-2019 йилларда амалга ошириладиган қиймати 19 миллиард 640 миллион долларлик 711 та янги лойиҳанинг сармоядорлари ва молиялаштириш манбалари белгилаб олинган. Қиймати 21 миллиард 169 миллион долларлик 135 та истиқболли лойиҳага эса хорижий инвестициялар ва кредитлар жалб қилинади.

Бахром ҚУВВАТОВ,
Кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши етакчи мутахассиси

БОР БЎЛ, ОҚИБАТ!

ХАЙРЛИ ВА БАРДАВОМ

Ёлғиз кексалар ҳамда ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг турмуш даражасини ошириш, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасидаги хайрли ишларда касаба уюшма ташкилотларининг Ёшлар кенгашлари ҳам фаол иштирок этмоқда. Федерация Кенгашининг "Кексаларни эъзозлаш йили" дастурида кўрсатиб берилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида "Саховат" ва "Мурувват" уйларига манзилли ёрдамлар кўрсатиб келинаётир.

Жумладан, Наврўз байрами ҳамда Хотира ва қадрлаш куни арафасида "Саховат" ва "Мурувват" уйларини моддий қўллаб-қувватлашга 54 млн. сўмликдан ортиқ маблағ сарфланди. Ушбу йўналишдаги тадбирлар "Саховат" ва "Мурувват" уйлари — касаба уюшмалари эътиборида" акцияси доирасида ҳудудий бирлашмаларнинг Ёшлар кенгашлари ҳамда маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлимлари билан ҳамкорликда ташкил этилмоқда. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Ёшлар кенгаши аъзолари Хўжайли туманида жойлашган "Мурувват" аёллар уйида яшовчилар ҳолидан хабар олди. Бундай хайрли тадбирлар барча ҳудудларда амалга оширилаётир.

Куни кеча Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Ёшлар кенгаши ва Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси вакиллари пойтахтимиздаги "Мурувват" ногирон эркаклар учун интернат уйида бўлишди.

— Интернат уйимизда 140 нафардан ортиқ ходим фаолият юритади. Бу ерда истиқомат қилаётганларнинг яшаш шароитини янада яхшилаш мақсадида ҳозирда реконструкция ишлари олиб борилаяпти. Ижтимоий шериклик доирасида турли давлат ва нодавлат ташкилотлари моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаб келаётир, — дейди "Мурувват" ногирон эркаклар учун интернат уйи касаба уюшма қўмитаси раиси Нигора Холова. — Айниқса, Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан берилаётган эътиборни алоҳида таъкидлашни истардим. Уларнинг меҳр-муруввати, саховатпешалиги ва ғамхўрлигидан беҳад миннатдормиз.

"Мурувват" ногирон эркаклар учун интернат уйига Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг қимматбаҳо совғалари топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси ўринбосари Бахтиёр Маҳмадалиев сўзга чиқди.

Салим АБДУРАҲМОНОВ,
«Ishonch» мухбири.
Икром ҲАСАНОВ олган сурат

ЎҚУВ-СЕМИНАР

Қарши шаҳрида Соғлиқни сақлаш ва фармацевтика ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидаги бошланғич касаба уюшма қўмиталари раислари ва ҳисобчилари иштирокида ўқув-семинар ўтказилди.

САМАРАЛИ БЎЛДИ

Семинарда сўзга чиққан Республика кенгаши раиси Ф.Ханапияев тизимда ходимларни ижтимоий-иқтисодий, меҳнатга оид ҳақ-ҳуқуқлари ва меҳнат муҳофазаси ишларини ташкил этишда ижтимоий шериклик масалаларига тўхталиб, зарур тавсиялар билан ўртоқлашди. Шунингдек, бошланғич касаба уюшма ташкилотларида Устав талаблари асосида ҳужжатларни ва қарорларни тўғри расмийлаштириш, даромадлар ва харажатлар сметасини тузиш, маблағларнинг сарфланишида бухгалтерия ҳужжатларини расмийлаштириш тартиби, меҳнатни муҳофаза қилиш ишларида касаба уюшма қўмиталарининг вазифалари тўғрисида маърузалар тингланди.

Вилоятда тармоқ Республика кенгашининг раёсат йиғилиши ҳам ўтказилиб, жорий йилнинг биринчи чорагидаги фаолият таҳлил этилди. Шунингдек, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларидаги касаба уюшма ташкилотлари фаолиятини ўрганиш натижалари маълум қилинди.

Яна бир долзарб масала — 2015 йилги болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш мавсумига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида зарур тавсиялар берилди.

Йиғилиш сўнгида кўрилган масалалар ижросини таъминлаш ва назорат қилиш юзасидан қарорлар қабул қилинди.

Дилбар ТЎХТАЕВА,
тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашининг Қашқадарё вилоятидаги масъул ташкилотчиси

2015-yil 2-iyun, seshanba, № 68 (3573), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

РЕКЛАМА ЎРНИДА

БАНК КРЕДИТЛАРИ — ФАРОВОНЛИК ГАРОВИ

O'ZSANOATQURILISHBANK

"Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ мамлакатимиз ҳаётида муҳим аҳамиятга эга давлат дастурларининг бажарилиши ҳамда ҳудудларни ривожлантиришга доир лойиҳаларни зарур маблағ билан таъминлашда фаол иштирок этиб келаётир. Жумладан, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш борасидаги чора-тадбирларни амалга оширишда мазкур банк муассасасининг ҳиссаси ошиб бормоқда.

Хусусан, банкнинг Наманган вилояти минтақавий филиали томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилаётган сармоялар бугун ўз натижасини бераяпти.

Банк жамоаси "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури доирасида белгиланган вазифаларнинг тўлиқ бажарилишини таъминлаш ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ лойиҳаларни молиялаштириш учун кредит маблағларини йўналтирмоқда. Филиал томонидан жорий йилнинг январ-апрел ойлари давомида кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 7 421,8 млн. сўм кредит маблағлари ажратилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 баробар кўп демакдир. Бунинг натижасида 100 яқин янги иш ўрни яратилди.

Жумладан, аёллар тадбиркорлигини ташкил этиш ва ривожлантиришга 810 млн. сўм, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун 691 млн. сўм, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишлари учун 108 млн. сўм, озиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга 767,7 млн. сўм, нозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга 2 275 млн. сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Бу эса маҳаллий маҳсулотлар ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириб, аҳолини арзон ва сифатли маҳсулотлар билан таъминлашни яхшилашга, аёллар тадбиркорлиги, касаначилик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга ҳамда янги иш ўринлари очилишига имконият яратди.

Ажратилаётган имтиёзли кредитлар жойларда, айниқса, чекка ва олис ҳудудларда тадбиркорларнинг бошланғич сармоясини шакллантиришга замин яратилаётганлиги, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини оширишга катта ҳисса қўшаётгани эътиборга моликдир. Буни "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ мижозларининг фикрлари ҳам яққол тасдиқлайди.

МЕҲНАТ ҚИЛГАН КАМ БЎЛМАС...

Зокир Танибоев,
"Estragon" МЧЖ раҳбари:

— Юртимизда яратилган қулай ишбилармонлик муҳити ҳар бир инсон учун кенг имкониятлар яратмоқда. Анчадан буён тадбиркорлик фаолиятимни бошлаш ниятида эдим. Орзуим ушалишида "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Наманган минтақавий филиалининг моддий кўмаги катта бўлди. Пухта бизнес лойиҳа тузиб, банк филиалига тақдим этдим. Лойиҳам қўллаб-қувватлангач, менга 200 млн. сўм миқдорида кредит маблағи ажратилди. Олинган кредит эвазига иссиқхона ташкил этдик. Ишчи кучига эҳтиёж сезилди. Маҳалламизда ишсиз юрган 3 кишини ишга олдик. Секин-аста қилган меҳнатимиз самара бера бошлади. Йилнинг барча фаслида аҳоли дастурхонига арзон нархларда помидор, бодринг ва бошқа сабзавот маҳсулотларини етказиб беришни йўлга қўйдик. Ҳосилдорлигимиз ҳам йилдан-йилга ошиб бормоқда. Меҳнатимиз самараси ўлароқ, моддий фаровонлигимиз ошаётир. Бундан кейин ҳам банкнинг моддий кўмагида тадбиркорлик фаолиятимизни кенгайтириш ниятидамиз.

ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР

Баҳодир Тошматов,
"Косонсой Ал-Азиз" МЧЖ раҳбари:

— Тадбиркорлар фаолиятининг ривожланишида асосий кўмакчи банклар бўлмоқда, десам, муболаға бўлмайди. Банкнинг молиявий кўмагида пойабзал ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Банкдан олинган 850 млн. сўм кредит маблағи ҳисобига хориждан замонавий ускуналарни харид қилиб, ишимизни жадаллаштирдик. 9 нафар йигит-қизни ишга қабул қилдик. Ишлаб чиқараётган маҳсулотларимизга кундан-кун талаб ортмоқда. Очиғини айтсам, бу ишларни "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБнинг молиявий ёрдамисиз амалга ошира олмасдим. Бунинг учун банк жамоасига миннатдорлигимни билдираман.

ЕТТИ ХАЗИНАНИНГ БИРИ

Баҳром Иномов,
"Sardor-Bahrom zoo"
фермер хўжалиги раҳбари:

— Юртимиздаги ҳар бир банк иқтисодиётимиз ривожига улуш қўшишга интилаётган биз каби тадбиркорларга мустаҳкам таянч бўлмоқда. Яхши ниятда паррандачилик фаолиятини йўлга қўйишга киришиб, "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБнинг Наманган минтақавий филиалига кредит олиш учун мурожаат қилдим. Қисқа фурсатда менга 1 млрд. сўм кредит маблағ ажратилди. Олинган кредит маблағи ҳисобига, аввало, товуқ боқиш учун махсус қафаслар, сўнгра парранда озуқаси бўлган ем ва жўжалар сотиб олдик.

Хўжалигимизда 60 мингдан ортиқ товуқ парваришланаяпти. Ҳар куни туман ва вилоят марказидаги бозорларга арзон нархларда 50 мингдан зиёд тухум етказиб бермоқдамиз.

Айни пайтда фермер хўжалигимизда 8 нафар ишчи меҳнат қилаяпти. Ишчиларимизга муносиб иш шароитини яратганмиз. Даромадимиз ошиши натижасида ишчиларнинг ҳам манфаатдорлиги ортмоқда. Банк кўмаги туфайли хўжалигимиз катта муваффақиятларга эришаётир. Бундан кейин ҳам "Ўзсаноатқурилишбанк" билан мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиб, фаолиятимизни кенгайтириш ниятидамиз.

МОЛИЯВИЙ КЎМАК АСҚАТДИ

Тоҳир Муҳаммадиев,
"Наманган порлоқ таъмирлаш" МЧЖ раҳбари:

— "Корхонамиз жамоаси ўз олдига аҳолига сифатли ва арзон қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни мақсад қилиб қўйган. Уни амалга ошириш учун молиявий кўмак сўраб "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБнинг Наманган филиалига мурожаат этдик. Банк мутахассислари бизнес-режамизни қисқа муддатда кўриб чиқиб, 395 млн. сўм имтиёзли шартларда узоқ муддатли кредит ажратишди. Лойиҳанинг амалга ошиши натижасида қўшимча 4 та янги иш ўрни яратилди. Айни пайтда корхонамизда 14 нафар ёшлар доимий иш билан таъминланган. Келгусида маҳсулот турини кўпайтириб, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ниятидамиз. Бу борада бизни "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ молиявий қўллаб-қувватлашига ишонамиз.

Дарҳақиқат, тижорат банкларининг молиявий кўмаги туфайли кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳаси равнақ топмоқда. Натижада, янги иш ўринлари, аҳоли даромадлари кўпайиб, халқ фаровонлиги юксалиб бормоқда. Бу борада "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБнинг муносиб ҳисса қўшиб келаётганини алоҳида эътироф этиш жоиз. Бир сўз билан айтганда, "Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун" тамойили ҳаётда ўз ифодасини топаётир.

Хизматлар лицензияланган.

Банк материаллари асосида тайёрланди.

Реклама ва эълонлар

ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!

СОЛИҚЛАР ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ

Бугун солиқ тўловчилар бирон-бир тушунмовчиликка дуч келса, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг www.soliq.uz сайти орқали ўз саволига жавоб топиши мумкин.

Сайтдаги "Электрон қабулхона"да мурожаат қилиш истагидаги шахс учун "Фуқаролар мурожаатларини қайд этиш карточкаси" очилади. Шунга асосан аниқ вақтда улар учун тегишли раҳбар ёки мутахассис билан учрашув ташкил этилади. Мазкур хизматдан смартфонлар учун мўлжалланган "SOLIQ" мобил иловаси ҳамда Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ҳам фойдаланиш мумкин.

"SOLIQ" мобил иловаси ўзбек ва рус тилларида яратилган бўлиб, у орқали турли интерактив хизматлардан фойдаланиш имконияти мавжуд.

Яна бир янгилик: жорий йилдан бошлаб солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни банкка бормасдан "Click" ва "Mbank" тўлов тизимлари ёрдамида мобил телефон ёки интернет орқали онлайн режимида тўлаш мумкин. Ушбу тўлов тизимларидан фойдаланишда қўшимча пул олинмайди. Тўланган солиқлар ҳақидаги маълумотлар солиқ тўловчиларнинг шахсий карточкаларига автоматик равишда қайд қилинади. Бунинг учун тижорат банклари томонидан муомалага чиқарилган Online-UZCARD пластик карталаридан фойдаланиш мумкин.

Алишер ҒАНИЕВ,
Олмазор тумани Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи

БУРЧ — МУҚАДДАС

ХИЗМАТГА ШАЙ

ИИВ Ёнғин хавфсизлиги олий техника мактабида ёшларни ватанпарварлик, ўз касбига садоқат руҳида тарбиялаш, уларга эл-юрт мулкини асраб-авайлаш муқаддас бурч эканлигини сингдириш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, узоқ йиллар соҳада фаолият кўрсатган фахрийлар билан учрашувлар, ватанпарварлик мавзусидаги тадбирлар мунтазам олиб борилади. Курсантларни жисмонан бақувват, маънан баркамол этиб тарбиялаш мақсадида спорт мусобақалари, тўгараклари фаолият юритмоқда. Уларнинг ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаш учун "Ўз ҳуқуқингизни биласизми?", "Халқ мулкини асраш — муқаддас бурч" мавзуларида танловлар уюштирилмоқда.

— Ўт ўчирувчилик касби мардлик, фидойиликни талаб қилади, — дейди курсант Ш. Бойматов. — Шу билан бирга, зарур техникалардан унумли фойдаланиш, уларни таъмирлаш услубларини мукаммал ўзлаштириш, турли вазиятларга мўлжалланган ҳимоя кийимлари, тутунга қарши мосламаларнинг тузилиши, ишлатиш шартларини ажрата олиш, бинолар чизмаси, архитектурасини тушуна билиш каби билимлар касбимизда муҳим ҳисобланади. Келажакда етук мутахассис бўлишимиз учун мактабимизда барча шароитлар яратилган. Ўқув хоналари компютер, замонавий технологиялар билан таъминланган. Барча шароитларга эга спорт зали, майдони биз учун доимо очиқ. Амалиёт дарслари турли русумдаги ўт ўчириш машиналаридан фойдаланган ҳолда ўтилади. Тиббиёт хонаси, маънавият хонаси, курсантларнинг ҳордиқ чиқаришлари учун мўлжалланган хоналар мавжуд. Давлатимиз томонидан яратилаётган имкониятларга жавобан биз, ёшлар доимо ўқиб-ўрганишимиз, эл-юрт хизматига тайёр бўлишимиз лозим.

С.МУРАТОВА,
подполковник,
И.СИДДИҚОВА,
подполковник,
Ўзбекистон Республикаси
ИИВ ЁХОТМ катта ўқитувчилари

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!

БУХОРО ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ-ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ 2015 ЙИЛ МАНЗИЛЛИ ҚУРИЛИШ РЎЙХАТИГА КИРИТИЛГАН ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР БЎЙИЧА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТЛАРНИ ТАНЛАШ ЮЗАСИДАН ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

ЛОТ - 34

Лот 34-1. Гиждувон тумани, Ф.Юнусов ҚФЙ «Қатағон» аҳоли пунктидаги янги намунавий уй-жойлар учун автомобил йўли қурилиши (0,591 км.)

Буюртмачининг бошланғич қиймати – 164 880 400 сўм (ҚҚС билан), 137 400 300 сўм (ҚҚСсиз).

Қурилиш ишларини тугатиш муддати – 2015 йил 1 ноябр.

Лот 34-2. Гиждувон тумани, Позагари ҚФЙ «Ўзбакон» аҳоли пунктидаги янги намунавий уй-жойлар учун автомобил йўли қурилиши (1,139 км.)

Буюртмачининг бошланғич қиймати – 319 669 200 сўм (ҚҚС билан), 266 391 000 сўм (ҚҚСсиз).

Қурилиш ишларини тугатиш муддати – 2015 йил 1 ноябр.

Лот 34-3. Қоракўл тумани, Қоракўл ҚФЙ «Мўйтоб» аҳоли пунктидаги янги намунавий уй-жойлар учун автомобил йўли қурилиши (0,517 км.)

Буюртмачининг бошланғич қиймати – 251 362 800 сўм (ҚҚС билан), 209 469 000 сўм (ҚҚСсиз).

Қурилиш ишларини тугатиш муддати – 2015 йил 1 ноябр.

Лот 34-4. Олот тумани, Чандир ҚФЙ «Чағас» аҳоли пунктидаги янги намунавий уй-жойлар учун автомобил йўли қурилиши (0,458 км.)

Буюртмачининг бошланғич қиймати – 247 345 400 сўм (ҚҚС билан), 206 121 200 сўм (ҚҚСсиз).

Қурилиш ишларини тугатиш муддати – 2015 йил 1 ноябр.

Лот 34-5. Олот тумани, Пахтакор ҚФЙ «Кумкашон» аҳоли пунктидаги янги намунавий уй-жойлар учун автомобил йўли қурилиши (0,228 км.)

Буюртмачининг бошланғич қиймати – 131 396 700 сўм (ҚҚС билан), 109 497 250 сўм (ҚҚСсиз).

Қурилиш ишларини тугатиш муддати – 2015 йил 1 ноябр.

Лот 34-6. Бухоро тумани, Истиқбол ҚФЙ «Работак» аҳоли пунктидаги янги намунавий уй-жойлар учун автомобил йўли қурилиши (1,836 км.)

Буюртмачининг бошланғич қиймати – 734 722 900 сўм (ҚҚС билан), 612 269 100 сўм (ҚҚСсиз).

Қурилиш ишларини тугатиш муддати – 2015 йил 1 ноябр.

Лот 34-7. Бухоро тумани, Лоша ҚФЙ «Бегижўғи» аҳоли пунктидаги янги намунавий уй-жойлар учун автомобил йўли қурилиши (2,991 км.)

Буюртмачининг бошланғич қиймати – 1 114 422 700 сўм (ҚҚС билан), 928 685 500 сўм (ҚҚСсиз).

Қурилиш ишларини тугатиш муддати – 2015 йил 1 ноябр.

Лот 34-8. Ромитан тумани, Ромитан ҚФЙ «Минглар» аҳоли пунктидаги янги намунавий уй-жойлар учун автомобил йўли қурилиши (1,195 км.)

Буюртмачининг бошланғич қиймати – 336 231 200 сўм (ҚҚС билан), 280 192 700 сўм (ҚҚСсиз).

Қурилиш ишларини тугатиш муддати – 2015 йил 1 ноябр.

Лот 34-9. Вобкент тумани, Работохун ҚФЙ «Беруний» аҳоли пунктидаги янги намунавий уй-жойлар учун автомобил йўли қурилиши (0,397 км.)

Буюртмачининг бошланғич қиймати – 130 729 200 сўм (ҚҚС билан), 108 941 000 сўм (ҚҚСсиз).

Қурилиш ишларини тугатиш муддати – 2015 йил 1 ноябр.

Лот 34-10. Қоракўл тумани, Зиёрат ҚФЙ «Бобоисоми» аҳоли пунктидаги янги намунавий уй-жойлар учун автомобил йўли қурилиши (0,360 км.)

Буюртмачининг бошланғич қиймати – 285 129 900 сўм (ҚҚС билан), 237 608 250 сўм (ҚҚСсиз).

Қурилиш ишларини тугатиш муддати – 2015 йил 1 ноябр.

ЛОТ - 35

Лот 35-1. Когон тумани, Беклар ҚФЙ «Шўрабод» аҳоли пунктидаги янги намунавий уй-жойлар учун автомобил йўли қурилиши (1,341 км.)

Буюртмачининг бошланғич қиймати – 352 274 100 сўм (ҚҚС билан), 293 561 750 сўм (ҚҚСсиз).

Қурилиш ишларини тугатиш муддати – 2015 йил 1 ноябр.

Лот 35-2. Когон тумани, Беклар ҚФЙ «Дехмирзаён» аҳоли пунктидаги янги намунавий уй-жойлар учун автомобил йўли қурилиши (1,365 км.)

Буюртмачининг бошланғич қиймати – 421 608 400 сўм (ҚҚС билан), 351 340 300 сўм (ҚҚСсиз).

Қурилиш ишларини тугатиш муддати – 2015 йил 1 ноябр.

Лот 35-3. Пешқу тумани, Ибн Сино ҚФЙ «Алот» аҳоли пунктидаги янги намунавий уй-жойлар учун автомобил йўли қурилиши (0,856 км.)

Буюртмачининг бошланғич қиймати – 265 965 200 сўм (ҚҚС билан), 221 637 700 сўм (ҚҚСсиз).

Қурилиш ишларини тугатиш муддати – 2015 йил 1 ноябр.

Лот 35-4. Когон тумани, Беклар ҚФЙ «Дехмирзаён» (янги массив) аҳоли пунктидаги янги намунавий уй-жойлар учун автомобил йўли қурилиши (1,840 км.)

Буюртмачининг бошланғич қиймати – 576 743 040 сўм (ҚҚС билан), 480 619 200 сўм (ҚҚСсиз).

Қурилиш ишларини тугатиш муддати – 2015 йил 1 ноябр.

Лот 35-5. Қоровулбозор тумани, Бўзачи ҚФЙ «Сардоба» аҳоли пунктидаги янги намунавий уй-жойлар учун автомобил йўли қурилиши (0,770 км.)

Буюртмачининг бошланғич қиймати – 241 252 840 сўм (ҚҚС билан), 201 044 030 сўм (ҚҚСсиз).

Қурилиш ишларини тугатиш муддати – 2015 йил 1 ноябр.

Лот 35-6. Ромитан тумани, Ромитан ҚФЙ «Алишейх» аҳоли пунктидаги янги намунавий уй-жойлар учун автомобил йўли қурилиши (0,566 км.)

Буюртмачининг бошланғич қиймати – 162 817 050 сўм (ҚҚС билан), 135 680 875 сўм (ҚҚСсиз).

Қурилиш ишларини тугатиш муддати – 2015 йил 1 ноябр.

Лот 35-7. Жондор тумани, Хумдонак ҚФЙ «Ушот» аҳоли пунктидаги янги намунавий уй-жойлар учун автомобил йўли қурилиши (0,488 км.)

Буюртмачининг бошланғич қиймати – 206 740 300 сўм (ҚҚС билан), 172 283 600 сўм (ҚҚСсиз).

Қурилиш ишларини тугатиш муддати – 2015 йил 1 ноябр.

Лот 35-8. Шофиркон тумани, С.Жўра ҚФЙ «Бойлар» аҳоли пунктидаги янги намунавий уй-жойлар учун автомобил йўли қурилиши (1,381 км.)

Буюртмачининг бошланғич қиймати – 344 175 700 сўм (ҚҚС билан), 286 813 100 сўм (ҚҚСсиз).

Қурилиш ишларини тугатиш муддати – 2015 йил 1 ноябр.

Лот 35-9. Бухоро тумани, Лоша ҚФЙ «Фошун» аҳоли пунктидаги янги намунавий уй-жойлар учун автомобил йўли қурилиши (2,106 км.)

Буюртмачининг бошланғич қиймати – 721 756 020 сўм (ҚҚС билан), 601 463 350 сўм (ҚҚСсиз).

Қурилиш ишларини тугатиш муддати – 2015 йил 1 ноябр.

Лот 35-10. Жондор тумани, Алели ҚФЙ «Навгади» аҳоли пунктидаги янги намунавий уй-жойлар учун автомобил йўли қурилиши (0,725 км.)

Буюртмачининг бошланғич қиймати – 328 937 300 сўм (ҚҚС билан), 274 114 400 сўм (ҚҚСсиз).

Қурилиш ишларини тугатиш муддати – 2015 йил 1 ноябр.

Қурилиш ишлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Қиймати 500 млн. сўмгача бўлган объектлар танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади.

Марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобидан молиялаштириладиган объектларда қурилиш-монтаж ишларини бажариш бўйича танлов савдоларида фақатгина қурилиш-пудрат ташкилотлари Реестрига киритилган пудратчи ташкилотлар иштирок этишларига рухсат берилади.

Танлов савдоси ташкилотчиси – Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи: Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги ягона буюртмачи хизмати-инжиниринг компанияси.

Манзили: Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 5-уй. Телефон/факс: (0-365) 223-63-23.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, танловга қўйилган объектга ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларига ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ва ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдосида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қўйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси – Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 6-уй. Телефон/факс: (0-365) 223-97-51, 223-96-29.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати – 120 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати – оферталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда берилган кундан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 6-уй.

ИЗОҲ: *Таклифлар (оферталар) очилишининг аниқ куни ва соати талабгор пудратчи ташкилотларга қўшимча тарзда танлов савдоси ташкилотчиси томонидан маълум қилинади.*

Хизматлар лицензияланган.

БУХОРО ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ-ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ 2015 ЙИЛ МАНЗИЛЛИ ҚУРИЛИШ РЎЙХАТИГА КИРИТИЛГАН ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТ БЎЙИЧА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАШ ЮЗАСИДАН ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Лот – 40. «Бухоро вилояти, Когон шаҳар Дўстлик кўчасидаги «Когон шаҳар Давлат солиқ инспекцияси» маъмурий биноси қурилиши» (II-навбат қурилиши).

Буюртмачининг бошланғич қиймати – 146 954 953 сўм (ҚҚС билан), 122 462 461 сўм (ҚҚСсиз).

Қурилиш ишларини тугатиш муддати – 2015 йил 1 сентябр.

Қурилиш ишлари Когон шаҳар Давлат солиқ инспекциясининг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Танлов савдоси ташкилотчиси – Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи: Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги ягона буюртмачи хизмати-инжиниринг компанияси.

Манзили: Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 5-уй. Телефон/факс: (8-365) 223-63-23.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, танловга қўйилган объектга ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларига ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ва ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдосида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қўйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси – Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 6-уй. Телефон/факс: (8-365) 223-97-51, 223-96-29.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати – 120 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати – оферталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда берилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 6-уй.

ИЗОҲ: *Таклифлар (оферталар) очилишининг аниқ куни ва соати талабгор пудратчи ташкилотларга қўшимча тарзда танлов савдоси ташкилотчиси томонидан маълум қилинади.*

Хизматлар лицензияланган.

Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент шаҳридаги филиали жамоаси ва касаба уюшма қўмитаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, профессор **Шарифулла ЙЎЛДОШЕВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририяти жамоаси таҳририят ходими Ҳасан Абдужалиловга опаси **Шоҳида АБДУЖАЛИЛОВА**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

2015-yil 2-iyun, seshanba, № 68 (3573), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ГЎЎДАК ЖИЛМАЙСА, ДУНЁ ЯШНАЙДИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

ҲАҚИҚАТГА АЙЛАНГАН ЭРТАК

Болалик ҳақида гап кетса, негадир онамнинг ёз оқшомлари айтган эртаклари ёдимга келаверади. Ҳовлимиздаги катта сўрида юлдузларни томоша қилиб ётиб, эртак эшитардик. Ўшанда ўзимни эртак қаҳрамонларидек ҳис қилиб, дунёни кўрсатадиган «ойнаи жаҳоним», «учар гиламим», «очил дастурхоним» ва ёмонларни жазолайдиган «ур тўқмоғим» бўлишини жуда орзу қилардим. Ана шу ушалмас орзулар оғушида болалигим шошқин сувдек оқиб кетди...

Яқинда 5 ёшли неварам Мадинабону Бухородан телефон қилиб, инглиз тилида мендан ҳол-аҳвол сўраса, ҳайратдан тилим тутилиб қолди.

— Мен гимнастика машғулотларига бораяпман, Устозим «Сендан зўр чемпион чиқади» деб мақтадилар. СМС орқали суратларимни ҳам юбордим, кўринг, — дея ширинтойим гап орасида инглиз, рус тилини ўрганаётгани, рақс тўгарагига бораётганини сўзлаб мени қувонтиради.

Болалигимда мен ҳам гимнастикага жуда қизиқардим. Қарангки, бу орзуни ота-онамга айтишга ҳам қўрқканман. Ўша даврда ўзбек қизининг «гимнастикачи бўламан», дейиши шаккоклик саналарди-да. Шу боис телевизорда кўрганларимни яширинча, ўзимча такрорлаб юрардим, ғўзапоядан бўшаган кенг далаларга чиқиб гўё гимнастикачи қизлардек узун арқонни илондек ўйнатиб, турли шаклларга солиб роса завқланардим. Ҳовлида ҳеч ким йўқ пайтлари баланд, узун деворимиз устига чиқиб олиб қаддимни тик тутганча гўё машқ бажарардим. Ўша пайтда мен ўқиётган мактаб у ёқда турсин, ҳатто туманда ҳам тузукроқ спорт мажмуаси йўқ эди. Ҳозир энг чекка қишлоқларда ҳам замонавий спорт мажмуаларида қизалоқлар турли спорт турлари билан шуғулланиб, жаҳон чемпионлари бўлишаяпти. Мен туғилиб ўсган Шофиркон туманида ҳам бир нечта спорт-соғломлаштириш мажмуалари бор. Шулардан бири «Ревгар» болалар ва ўсмирлар спорт ва соғломлаштириш маркази бўлиб, бу ерда 3-4 ёшли қизчаларнинг ҳам опалари қатори мураккаб машқларни қийналмай бажараётганига гувоҳ бўласиз.

Ҳа, бугуннинг болалари бошқача. 3 ёшга ҳам етмаган Акбаршоҳ деган неварам 50 дан ортиқ шеър ва эртакларни билади. Компютер тугмасини босиб, хоҳлаган мултфилмини кўради, ўзи ёқтирган қўшиқни эшитади. Дадасининг телефонидан ақлни чархлайдиган қандайдир ўйинларни топиб ўйнайди...

Истиқлол фарзандлари бўлган невараларимнинг орзуси, дунёқараши билан менинг болалигим ўртасида фарқ ер билан осмонча. Улар менга ўхшаб, орзулар оғушида «учар гилам»ларда учиб, «очил дастурхон»у «ойнаи жаҳон»дек афсонавий хаёллари билан эмас, меҳр-муҳаббат қуршовида, эртаклар ҳақиқатга айланган замонда яшашади. Гўё болалик орзуим невараларим тимсолида ушалаётгандек. Озодлик руҳи, ҳурлик завқи уларга қанот бахш этди, ғуруришуурини юксалтирди, митти қалбларига яратувчанлик, буюк кашфиётлар ҳавасини солди.

ИСТИҚЛОЛ КАБУТАРЛАРИ

Мустақиллик ўғил-қизларимизнинг ҳеч қайси мамлакат ёшларидан кам эмаслигини амалда исбот этди. Зукко, билимдон фарзандларимиз илм-фанда, спорт ва мусиқа санъатида ривожланган давлатларни ҳам ҳайратда қолдирмоқда.

— Истиқлол фарзандлари биздан кўра кучли, билимли ва доно бўлиб улғаймоқда. Ўтган даврда амалга оширилган улуғвор ишлар, инсон омилига қаратилган ислоҳотлар, мамлакатнинг умид ниҳоллари бўлган ёш авлод камолотига йўналтирилган эзгу саъй-ҳаракатлар улар қалбида юртдан фахрланиш кайфиятини уйғотиб, яратилган кенг имкониятлар эса илм-фан чўққиларини забт этишда руҳлантирмоқда, — дейди фахр-ифтихор билан Кармана тумани "Ҳазора" ҚФЙда яшовчи кекса педагог Юсуф Мусаев. — Жаҳон фан олимпиадаларидан шода-шода медаллар билан қайтаётган, халқаро спорт мусобақаларида шоҳсупани банд этаётган ёшларимиз камолида бу ҳақиқатга ўзимиз ҳам гувоҳ бўлиб турибмиз. Истиқлолга эришмаганимизда, Исломбек Синдоров 6 ёшида дунё аҳлини ҳайратга солиб чемпион бўлармиди! Ёш шахматчи Нодирбекнинг 9 ёшида спорт оламида эришган улкан ютуғичи?! Ёки Искандар Мамадалиев 11 ёшида Италиянинг Перуджа ва Барлетта шаҳрида ташкил этилган танловда иштирокчиларнинг энг кичиги бўлишига қарамай, бош соврин — Гран-прига эга бўлгани, нуфузли ҳакамлар ҳайъати унинг истеъдодини ўта ноёб ҳодиса деб баҳолагани бизга улкан фахр бағишлайди. Буларнинг бари мамлакатимизда дунёни ҳайратга соладиган соғлом ва баркамол авлод вояга етаётганининг исботидир.

Умрини миллат болалари таълим-тарбиясига бағишлаган ўқитувчининг сўзларини тинглар эканман, «Қандай қилиб шу даражага етдик?» деган савол хаёлимга келаверади. Бу истиқлол неъмати, Президентимизнинг доно сиёсати мевалари эканлигига чин дилдан ишонаман.

Истиқлол йўлига назар ташласак, амалга оширилаётган эзгу ишларимиз замирида келажагимиз эгаларига бўлган чексиз эътибор ва ғамхўрлик мужассамдир. Фарзандларимиз жаҳоннинг камдан-кам давлатида кузатилган замонавий мактаб, академик лицей ва коллежларда 12 йиллик бепул таълимдан баҳраманд бўлаётир. Коллежни битириб, бир эмас, бир неча касб эгаси бўлишмоқда. Хоҳласа, ўқишни давом эттириши мумкин, хоҳласа эгаллаган касби бўйича иш тайёр. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг бирорта устувор йўналиши йўқки, у бевосита ва билвосита юртимиз келажаги бўлган ёш авлод тарбияси билан боғланмаган бўлса. Чунки, ёш авлод ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб улғайсагина улуғ мақсадимизга етамиз.

Шундай дейишимизга тўла асосимиз бор. Юртимизда ҳар бир бола ўз ўрнига эга, ўзи учун яратилган имкониятлардан бемалол фойдалана олади. Уларнинг манфаат ва ҳуқуқлари давлат томонидан муҳофаза қилинади. Аҳолининг кам таъминланган оилалар фарзандларининг соғлом ўсиши, ўқиши, билим олишлари учун барча қулайликлар мавжуд. Ҳар бир ҳудудда болалар тақдирига бевосита аралашадиган, уларнинг ҳаётидаги муаммоларни ҳал этадиган кўплаб идора ва ташкилотлар, жамғармалар фаолият кўрсатмоқда.

ОНА-БОЛА САЛОМАТЛИГИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

— Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази шифокорларидан бир умр миннатдорман — дейди тошкентлик Мунавварбону Тўраева дўмбоқ ўғилчасининг бошини силаркан. — Ўғлимнинг соғ-омон дунёга келишида уларнинг хизмати беқиёс. Гап шундаки, икки йилдан ортиқ оналик бахтини кутиб яшадим. Фарзандимнинг туғилишини оиламиз билан интизор бўлиб кутардик. Малакали мутахассислар ёрдами, қолаверса, бу ердаги янги технологиялар шарофати билан фарзандим ҳеч бир асоратсиз дунёга келди. Тўғриси, она қорнида юраги урмай қолган чақалоқнинг соғ-саломат туғилиши — ҳақиқий мўъжиза эди. Бугун ўғилчамнинг соғломлик уфуриб турган чеҳрасига боқиб, унинг дунёга келишида ўзига хос жасорат кўрсатган шифокорларга «Қўлингиз дард кўрмасин, азизлар», дейман.

Келинчак эътироф этганидек, ушбу илмий-амалий тиббиёт маркази энг илғор тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган бўлиб, бу даргоҳда ишлаётган юқори малакали мутахассислар она ва бола саломатлиги йўлида жаҳон стандартлари даражасида ташхис қўйиш ва даволаш хизматларини кўрсатишмоқда.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимидаги бугунги ўзгаришлар билан кечаги аҳволни таққослайдиган бўлсак, тизимда қанчалик улкан ишлар амалга оширилганининг гувоҳи бўламиз. Мамлакатимиз мустақиллликка эришган дастлабки кунлардан она ва бола саломатлигини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланди. Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолигида мамлакатимизда тиббиёт, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида ўзига хос миллий модел яратилди. Янги тизим — замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган скрининг ва перинатал марказларга асос солинди. Республика скрининг маркази ва унинг вилоятлардаги филиалларида перинатал текширув — ҳомиланинг ривожланишини кузатиш, чақалоқлардаги туғма хасталикларни аниқлаш, ирсий ва туғма касаллиги бор беморларга ҳамда ногирон фарзанди бор оилаларга тиббий-генетик маслаҳат ва даволаш хизмати кўрсатиш бугун ўз самарасини бераётир.

Юртимизда дунёда биринчилардан бўлиб аёллар соғлигини мустаҳкамлаш учун поливитаминни бепул етказиб бериш амалиёти йўлга қўйилди. Унни зарур микроэлементлар билан бойитиш, тузни йодлаш дастурларининг муваффақиятли амалга оширилиши натижасида аҳоли ўртасида йод танқислиги ва туғиш ёшидаги аёллар орасида камқонлик касаллиги сезиларли даражада камайди.

Амалга оширилаётган бундай хайрли ишлар нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилаётгани ҳам бежиз эмас. Бу юртимизда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг ноёб модели шаклланганлигидан дарак беради.

Болалар дунёнинг эзгулик ниҳоллари, меҳр-саховат тимсолларидир. Бугунги шиддат билан тараққий этиб бораётган даврда давлатлар тақдирини моддий бойлик эмас, балки маънавият ва маърифат ҳал этади. Шундай экан, фарзандлари баркамол, ёшлари билимдон ва ватанпарвар мамлакат қудратлидир.

Амина ҚОДИРОВА,
«Ishonch» мухбири

ЎзА суратлари

ГЎЗАЛЛИК, МАҲОРАТ ВА ШИЖОАТ НАМОЙИШИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

— Дунёнинг кўплаб давлатларида қизиқиш билан ўрганилаётган мазкур ноёб тизимнинг илк бўғини "Умид ниҳоллари" спорт ўйинлари умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг ўз кучи ва салоҳиятини кенг намоён этиши учун беқиёс имконият яратмоқда, — дейди "Ёшлик" жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг Тошкент вилояти кенгаши раиси ўринбосари Дониёр Рихсибоев. — Мусобақанинг саралаш босқичларида 250 мингдан ортиқ ўғил-қиз спортнинг 17 тури бўйича ўзаро баҳслашди.Финал босқичига етиб келган болалар орасида таниқли спортчилар билан бирга янги номлар ҳам бор.

Ғалвир сувдан кўтариладиган, ҳаракат ва интилишлар ўз баҳосини топадиган онлар. Ўқувчиларнинг барчаси синовдан ўтказилди. Ҳамма ҳаяжонда.

"Умид ниҳоллари" спорт мусобақасининг вилоят финал босқичида Чирчиқ шаҳри спортчи-ўқувчилари биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўрин Олмалиқ шаҳри вакилларига насиб этди. Янгийўл тумани вакиллари учинчи ўринга сазовор бўлди.

Тошкент вилояти ҳокими А.Усмонов Чирчиқ шаҳри жамоасига Президентимиз совғаси — "Дамас" автомашинасини топширди. "Умид ниҳоллари" спорт ўйинларида яхши кўрсаткичларга эришган бир гуруҳ ўғил-қизлар ҳам муносиб тақдирланди.

Ёшлик ва спорт байрами санъаткорларнинг концерт дастури билан якунланди.

* * *

Хоразм вилояти. Урганч ёшлик ва спорт шаҳрига айланди. Муҳташам иморатлар, кенг кўчалар, сўлим хиёбонлар байрамона безатилган. Ўзидан хушбўй ифор таратаётган анвойи гуллар шаҳар аҳли ва меҳмонларига янада кўтаринки кайфият бахш этади. Буларни "Умид ниҳоллари — 2015" спорт мусобақаларининг вилоят финал босқичи ғолибларини тақдирлаш учун "Ёшлик" спорт мажмуасига келган одамларнинг юз-кўзларидаги шодумонлик, шукроналик туйғусидан ҳам пайқаса бўлади.

Президентимиз раҳнамолигида навқирон авлодни жисмонан соғлом, маънан етук, юксак маънавиятли инсонлар этиб тарбиялашнинг муҳим омиллари — таълим, соғлиқни сақлаш, спорт соҳаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилгани бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтириш, ўғил-қизларни оммавий спортга жалб этиш, халқаро майдонда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир спортчиларни тарбиялаш, соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга хизмат қилаётир.

Вилоятда 2003-2014 йилларда юздан ортиқ спорт иншооти, сув ҳавзалари ва стадионлар бунёд этилиб, замонавий жиҳозланди. Уларнинг 90 фоизи қишлоқ жойларда фаолият кўрсатаётгани, айниқса, эътиборлидир. Мазкур муассасаларда минглаб ўқувчи спортнинг 30 дан зиёд тури билан мунтазам шуғулланмоқда.

Бундай шароит ва имкониятлардан унумли фойдаланаётган ўғил-қизларимиз ўз истеъдодини мамлакатимиз ва халқаро майдонларда ўтказилаётган нуфузли спорт мусобақаларида тўла намоён этиб, юксак марраларга эришмоқда. Вилоят ёшлари ўтган йилнинг ўзида Осиё ва жаҳон чемпионатларида 35 олтин, 37 кумуш, 53 бронза, жами 125 медални қўлга киритгани фикримиз исботидир. Улар орасида Ҳазорасп туманидаги 5-умумтаълим мактабининг 7-синф ўқувчиси Нодирбек Ёқуббоев ҳам бор.

— Тўққиз йилдан буён шахмат ўйнайман, — дейди Н.Ёқуббоев. — Шу вақт ичида Хитой, Греция, Филиппин, Ҳиндистон, Эрон ва Бирлашган Араб Амирликларида ўтказилган мусобақаларда совриндор бўлдим. 2014 йилда Жанубий Африка Республикасида ёшлар ўртасида ташкил этилган жаҳон чемпионатида ҳам муваффақиятли иштирок этдим. Бу менга катта куч-ғайрат бағишлади. Мамлакатимизда ёшлар камолотига қаратилаётган юксак эътиборга жавобан келажакда жаҳон ареналарида Ватанимиз шаънининг янада юксалишида бор куч-ғайратимизни, ақл-заковатимизни аямаймиз.

Президентимиз ташаббуси билан анъанавий ўтказиб келинаётган "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада спорт ўйинлари ёш авлодни спортга кенг жалб этиш, улар орасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, йигит-қизларимизнинг қалбида Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда.

"Умид ниҳоллари" спорт мусобақасининг вилоят финал босқичида Урганч шаҳри жамоаси ғолиб, деб топилди. Хива тумани ўқувчилари иккинчи, Шовот тумани вакиллари учинчи ўринни қўлга киритди.

Хоразм вилояти ҳокими П.Бобожонов Урганч шаҳри жамоасига Президентимиз совғаси — "Дамас" автомашинасини топширди.

Ёшлик ва спорт байрами ғолиб ва совриндорлари медал, диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Тадбир спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари, болалар ижодий жамоалари, санъат усталари ҳамда эстрада хонандалари иштирокидаги концерт билан якунланди.

Б.ҲИДОЯТОВ,
А.ШОКИРОВ,
ЎзА мухбирлари

MUASSIS:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2030-5002
2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir v.b.
Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati:
Abdulaziz Abdullayev, To'lqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamadjanov *(bosh muharrir o'rinbosari)*, Akmal Toshev

BO'LIMLAR:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e'lonlar — 256-87-73

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

HUDUDLARDAGI MUXBIRLAR:
Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-91) 943-67-44
Navoiy — (+998-94) 228-13-00
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Samarqand — (+998-93) 352-50-87
Sirdaryo — (+99890) 610-95-55
Surxondaryo — (+998-95) 502-68-99
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir: B.Rizayev
Navbatchi: J.Ergashev
Musahhih: S.Shodiyeva
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti — **21:00**
Topshirildi — **22:20**
1 2 3 5 6

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma Г — 615.
18880 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi: 133